

БЛОГ ЮРИТИШ
БОРАСИДА
ҚЎЛЛАНМА

Блог ўзи нима?

Кисқартирилган блог номи остида кенг танилган, веблог ўзи нима? Блог, бир киши ёки бир гуруҳ инсон тарафидан ёзиладиган онлайн кундалик дафтар бўлиб, блогларга маълумот юклаш ўта осондир. Блогларнинг энг катта қисми фақат бир киши тарафидан юритилади ва бундай блоглардан кўзланган асосий мақсад оила аъзолари ва дўстлар билан доимий алоқада бўлишдир. Бошқа блоглар эса, айна оммавий ахбарот воситалари каби, фаолият юритади, ва бундай блогларда турли янгилик ва шарҳлар жой олган бўлади. ларга кунига, бир-иккита одам киради, бошқаларига эса, минглаб одам киради.

Блоглар бир-биридан ҳар жиҳатдан фарқли бўлса-да, баъзи бир хил ҳоқсаларга эга:

- ▶ Блогларда мақолалар қайта хронологик тартибда сақланади, яъни, энг сўнги хабарлар саҳифа уст қисмида жойлашган бўлади.
- ▶ Эски хабарлар архивланган ҳолатда сақланади
- ▶ Блогларда, фойдаланувчилар шарҳлари учун махсус бўлим ажратилган бўлади
- ▶ Блогларда, бошқа вэб саҳифалар линклари рўйхати жойлашган бўлади
- ▶ Блоглардаги маълумот синдикация қилинади ва бу опция, фойдаланувчилар блогга “обуна” бўлаолишини таъминлайди

Блог контенти турлича бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилгандек, кўп блоглар оддий кундалик дафтар вазифасини бажаради. Бошқа блоглар эса, хабар ва таҳлилий материаллар тарқатади. Яна бошқа гуруҳ блоглар сиёсат билан шуғулланади, ва умуман олганда, блогларни, бу маромда, кўп гуруҳларга бўлиш мумкин. Кўплаб блоглар блог гуруҳларининг ҳеч бирига қирмайди. Блоглар ўз муаллифининг шахсий қараш ва қизиқишларини акс эттиради.

Демак, блог, шахсий интернет саҳифасига ўхшайди, бироқ, блогни ташкил этиш бир мунча осондир, у, шахсий саҳифага нисбатан, тезроқ янгиликни туради ва блог, фикр ва мулоҳаза алмашинувини рағбатлантиради.

Блог муҳити

“Блог муҳити” (“Blogsphere”) блоглар иттифоқини англатади ва бундай атамани яратишдан кўзланган мақсад – блогларни интернетнинг алоҳида қисми сифатида ажратиш бўлган. Кенг маънода “блог муҳити” таркибига, ҳар бир блог, бундай блог қандай масалаларни ёритишидан қатъий назар, киради. Бугунги кунда мавжуд блоглар сонини билиб олиш деярли мумкин эмас, бироқ Technorati (www.technorati.com) маълумотларига кўра, бугунги кунда (апрель 2006 й.) дунёда 36,8 миллион вэб саҳифа ва веблог мавжуддир. Бундан ташқари, ҳар куни 75,000 янги блог яратилади ва блоггерлар ҳар куни 1,2 миллион янги мақола эълон

қиладилар. Technorati бераётган рақамлар, реал вазиятни фақат қисман акс эттиради, холос. Technorati кузатмайдиган бошқа мамлакатларда миллионлаб блоглар мавжуддир.

Блог муҳити, айна ер шари каби, кичик гуруҳларга бўлинади, ва бундай кичик гуруҳлар ҳам блог муҳити деб номланади. Масалан, Россияда рус тилида ёзиладиган, ёки Россия ҳақида ёзиладиган, ёки Россияда жойлашган блоглар Россия блог муҳитига киради. Арман тилида ёзиладиган блоглар Арманистон блог муҳитига киради. Блог муҳитини турли омиллар асосида гуруҳларга

бўлиш мумкин, ва бундай омилларга боғлиқ ҳолда, бир блог, турли блог муҳитлари таркибига кириши мумкин. Бироқ, бундай кичик блоглар гуруҳлари орасида ҳам, маълум даражада ҳамкорлик мавжуд бўлади.

Бриджблоглар (инглиз тилидаги “bridge” – “кўприк” сўздан олинган)

Блог гуруҳлари орасида кўприк вазифасини бажарадиган блоглар “бриджблоглар” деб номланади. Бундай блоглар, бир неча блог гуруҳига бир вақтда кириши орқали кўприк вазифасини ўташи мумкин, ёки махсус бу вазифани ўташ учун яратилган бўлиши мумкин.

Бугунги кунга қадар, минглаб бундай кўприк блоглар мавжуд бўлиб, бундай блогларнинг

энг йириги ва энг яхши танилгани Global Voices Online (“Дунё овози он-лайнда”). Global Voices инглиз тилида чиқадиغان оммавий ахбарот воситалари тарафидан эътиборга олинмаган, бироқ, бошқа мамлакатлар аҳолиси учун ўта муҳим бўлган масалаларга эътибор бера бошлади. Бу мақсадда, у турли техник воситалар—блоглар, викилар, подкастинг, фотосурат алмашиш технологиялари, видеоблоглар, таглар, агрегаторлар ва он-лайн чатларидан [қуйида бу атамаларнинг маъноси англашилган] фойдаланди, ва дунё муаммоларига диққат чекишга муваффақ бўлди. Бу саҳифада, Шимолий Америка ва Ғарбий Европадан ташқари, бошқа мамлакатларда содир бўлаётган воқеалар борасида турли фикр-мулоҳазалар алмашиш мумкин бўлади.

Нимага блог?

Блог юритишдан мақсад ёки фойда нима? Ҳар бир блоггер бу саволга турлича жавоб бериши табиий.

HATAH XAMM – REGISTAN.NET (WWW.REGISTAN.NET)

2003 йили, мен Registan.net деб номланган блог яратдим. Winds of Change, деб номланган бошқа блог эса, Марказий Осиё хабарларини қисқа қилиб тайёрлайдиган ишчи қидираётган эди, ва мен, бу таклифга қизиқиб қолдим. Натижада, мен икки блогни айна вақтда бошладим.

Мен ҳар доим янгиликларга қизиқар эдим, ва Тинчлик Корпуси (Peace Corps) қошида бир қанча вақт давомида Ўзбекистонда ишлаб, уйга қайтиб келганимдан сўнг, ғарбий оммавий ахбарот воситалари, Марказий Осиёдаги хабарларни ўта қисқа ва, баъзан, нотўғри ёритиши яққол намоён бўлди. Мен ўз блогимда, бундай вазиятнинг олдини олишга, ва ҳар бир янгилик борасида кўшимча шарҳ беришга ҳаракат қилар эдим.

Мен уч йилдан бери блог юритиб келмоқдаман. Уч йил давомида, менинг блогимнинг ўз мухлислари пайдо бўлди, ва бугунги кунда, блогда, мендан ташқари яна бир неча муаллиф фаолият кўрсатмоқда. Мен фақат янгиликларни шарҳлаш билан чегараланиб қолмай, Марказий Осиё тарихи ва маданиятини ҳам ёритишга ҳаракат қиламан.

Мен блог юритишни давом эттирмоқчиман, чунки, блог мен учун ўта катта ва фойдали тажриба бўлди. Тўғри, баъзан, янги мақола ёзишга иштиёқ бўлмайди,

Бироқ, блог юритишнинг ўз афзалликлари бор, ва бу афзалликлар мени янги янги мақолалар ёзишга чорлайди. Блог юритиш орқали, мен ўз асар битиш қобилиятларимни ривожлантиришга муваффақ бўлдим ва, бундан ташқари, мен ҳар доим янгилардан хабардор бўламан. Блог орқали, мен дунё бўйлаб юзлаб янги инсонлар билан танишишга муваффақ бўлдим. Бундан ташқари, мен ўз блогим орқали янги иш топишга ҳам муваффақ бўлдим. Блог юритиш борасида қизиқшим сусайгани йўқ, мен ўз мухлисларим билан доимо мулоқотда бўламан, ва бунинг натижасида, деярли ҳар куни янги тажрибага эга бўламан. Менинг ниятим, блогимни иложи борида узоқ вақт давомида юритишдир.

БЕРОНИКА ХОХЛОВА – NEEKA'S BACKLOG (VKHOKHL.BLOGSPOT.COM)

Мен илк блогимни 2003 йилнинг март ойида бошлаганман, у вақтда, Ироққа қарши учун бошланган эди ва кунларнинг бирида, мен Салом Паксинг блогига дуч келганман. Мен у вақтда, ёзувчи сифатида янги имкониятлар қидираётган эдим, бироқ, муҳаррирларнинг аёвсиз босими остида ишлаш, ва улар мендан талаб этаётган турли Чёрнобил аҳамияти ва “Жиноят ва Жазо” ҳақида ёзиш иштиёқим умуман йўқ эди. Бироқ, ён-атрофимда турли фикрлар, ҳиссиётлар бор эди... ..

2004 йилнинг ноябрь ойида мен Украинага, у ерда бўлиб ўтаётган сайловларни ёритиш учун келдим. У вақтда менинг блогимни ҳеч ким ўқимас эди, бироқ, бундай ҳолат мен учун аҳамиятсиз эди, ҳар ҳолда, бир неча дўстим менга жавобан ўз мақолаларини блогимда эълон қилишлари кифоя эди. Кейин эса, Крестчатикда ғалаёнлар бошланди, ва менинг блогим Instapundit [АҚШда жойлашган ўта машҳур блог www.instapundit.com] блоглар рўйхатида тушди. Бунинг натижасида, блогимнинг аудиторияси ошди, бироқ, мен, илк ўлароқ, ўзим учун ёзаман. Бироқ, у вақтдан бошлаб, мен тўлақонли журналист сифатида фаолият кўрсатмоқдаман, блогим эса, деярли оммавий ахборот воситасига айланган.

Залғардоқ инқилоби даврида бир Норвегиялик журналист, мен блог юритишдан кўзлаган мақсадим, Украинани дунёга танитиш бўлса керак деб сўраган эди. Мен, жавобан, йўқ, менинг мақсадим ундай эмас, чунки дунё Украинани билмаса, бу дунёнинг муаммоси дедим. Биз ҳамон, баъзан мураккаб ҳолатларда, фаолият кўрсатмоқдамиз. Мен блог юритишдан кўзлаган мақсадим, инсонларга ақл ўргатиш эмас, балки, ўз фикрларимни ёритишдир. Мен, ўз мухлисларимга миннатдорман. Мухлислар, мен ёздиган мақолаларни қизиқ деб топиши мени қувонтиради. Блог, менга, янги дўстлар орттиришга ёрдам берди. Шунинг учун мен блогимни давом эттирмоқдаман.

Сиз-чи?

Барчанинг ўз фикрлари бор ва биз бундай фикрлар билан бошқа инсонлар билан бўлишишга ҳаракат қиламиз. Блог орқали, ҳар бир интернетга уланган компьютер эгаси, бошқа инсонларни қизиқтирадиган масалаларни ёритиши мумкин. Бунинг натижасида, сиз ўз фикрларингизни бошқа инсонларга етказасиз, ва демак, сиз глобал мулоқотда қатнашасиз.

Сиз ҳам, ўз қизиқишларингиздан келиб чиққан ҳолда, блог бошлашингиз мумкин. Шундай қилиб, сиз қандай масалаларни ёритасиз?

Блог ташкиллашнинг афзалликлари қаторига, блог интернетга уланган ҳар кимса тарафидан ўқилиши мумкинлиги

ва қидирув тизими ёрдамида осонликча топилишидир. Бундай ҳолат натижаси ўлароқ, ҳар қандай блог, маълум вазиятга таъсир этиш имкониятини беради. Блог, фақатгина кундалик дафтар бўлибгина қолмай, баъзан илхом бахш этувчи воситага айланади. Блог орқали сизнинг шаҳрингизда, сизнинг мамлакатингизда ёки бутун дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ёритишингиз натижасида, сизнинг блогингиз маълум микдор мухлисларга эга бўлади. Ҳусусан, блоггерлар сони нисбатан кам бўлган мамлакатларда блог яратиш ва у орқали, турли воқеа-ҳодисаларни ёритишингиз ва бундай воқеалар борасида ўз фикрларингизни билдиришингиз, сизни деярли қаҳрамон даражасига кўтариши мумкин.

Ижобий таъсир

Сўнги йилларда, оммавий ахбарот воситалари блог ва блоггерларга нисбатан эътиборини кучайтирмоқда. Бундай вазиятни турлича изоҳлаш мумкин. Ҳусусан, блоглар ва блоггерлар фаолияти оммавий ахбарот воситалари фаолияти камчиликларини, ҳусусан фактлар нотўғри ёритилишини, яққол намён этмоқда. Бундан ташқари, блог юритадиган инсонлар, оммавий ахбарот воситалари эга бўлмаган тажрибага эга бўлиши ҳам, блогларни кучли рақобатчига айлантирмоқда. Блогларда, турли воқеа ва ҳодисанинг, мухбирлар ҳаттоки билмайдиган, минглаб жабҳалари ёритилиши мумкин. Бундан ташқари, блоггерлар, оммавий ахбарот воситалари ёритмайдиган воқеаларни ҳам ёритиши мумкин ва бу орқали, информацион бўшлиқни тўлдириши мумкин.

Оммавий ахбарот воситалари тарафидан блогларга нисбатан қизиқишнинг ошиши натижаси ўлароқ, блоггер ва журналистлар

ҳамкорликда фаолият кўрсатишга интилоқдалар. Блоггерлар ва Global Voices Online каби ташкилотлар, блоглар ва мумтоз оммавий ахбарот воситалари ўзаро қандай ҳамкорлик қилиши мумкинлигини ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Кўп блоггерлар, газета ва журналларда ёритиладиган воқеаларни шарҳлашга ҳаракат қиладилар. Журналистлар эса, ўз мақолаларига сайқал бериш учун, турли соҳаларда тажрибага эга блоггерлар билан ҳамкорликда ишламоқдалар, ва бундан ташқари, шахсий блогларни яратишга ҳаракат қилмоқдалар.


Киллиан ҳужжатлари

Блоггер ва журналистлар ҳамкорлик қилмаган даврда ҳам, блоггерлар сиёсий ва ижтимоий вазиятга таъсир этар эдилар. Бундай таъсирнинг энг ёрқин мисолларидан бири, 2004 йили АҚШ Президент сайловларига тайёргарлик вақтида, CBS News ахбарот агентлиги Президент Жорж У. Бушнинг Миллий Гвардия сафида хизматини танқид

қилган ва, Президент ўта ёмон хизмат қилганини далилий ҳужжатлар ёрдамида исботлашга ҳаракат қилган. Бу хабар овоза қилинганидан сўнг, Power Line (www.powerlineblog.com) ва INDC Journal (www.indcjournal.com) каби блоглар, далилий ҳужжатлар ишончилиги масаласини кўтарган, ва бу борада, мутахассислар

билан маслаҳатлашган. Бунинг натижасида, далилий ҳужжатлар ҳақиқий эмаслиги равшан бўлган. Блоггерларнинг босими остида, CBS бундай вазиятда ҳато қилганини эътироф этган ва ўз узрларини билдирган, бундан ташқари, бу материални тайёрлаган бир неча журналист ишдан бўшатишган.

Блогни яратиш



Шахсий дахлсизлик ва ҳавфсизлиكنи таъминлаган ҳолда, блог ташкил этиш борасида маслаҳатлар ТОЛнинг Блог ҳавфсизлигини таъминлаш қўлланмасида келтирилган.

Блог муваффақиятли бўлишини таъминлаш

Блог ташкил этилганидан сўнг, унинг муваффақиятли бўлишини қандай қилиб таъминлаш мумкин? Бунинг учун, блоггер муваффақият нима эканлигини белгилаб олиши даркор.

Блог муваффақиятини ўлчашнинг бир неча усули бордир. Масалан, блогнинг муваффақиятини, блогга бир кун давомида кирган инсон сони билан ўлчаш мумкин. Бошқалар, муваффақиятни доллар ва центда ўлчайди. Бироқ, ҳақиқат шундаки, ўта кам блоггер ўз блоги ёрдамида моддий фойда кўради ва камдан-кам ҳолатларда, блогга кунига ўта кўп инсон киради. Бироқ, блоггерларнинг асосий қисми блогни шон-шухрат ёки моддий фойда учун яратмайди. Шунинг учун, ҳар бир блоггер, муваффақият нима эканлигини ўзи белгилайди. Бироқ, блогни ҳар қандай маънода муваффақиятли қилиш учун, қуйидаги қоидаларга амал қилишга ҳаракат қилинг.

Қўшнилар билан танишинг – Деярли ҳар қандай блог маълум блог гуруҳига киради.

Блог гуруҳи аъзоси бўлиш ҳар жиҳатдан ўта самаралидир. Агар, мисол, сиз санъатга бағишланган блог яратган бўлсангиз, санъатга бағишланган бошқа блогларга ҳам кириб туринг ва ўз шарҳларингизни қолдириг. Бундан ташқари, мунтазам равишда ўқийдиган блогларингизни, блогингиздаги блоглар рўйхатида қўшишни унутманг. Бошқа блоггерларга, мен янги блог ташкилладим деган маънода, расмий электрон мактуб юборишингиз ҳам самарали бўлиши мумкин, бироқ, мактубингизда блогингиз манзилини кўрсатишни унутманг. Сиз танлаган соҳада фаолият кўрсатаётган блогларни топиш учун, Technorati (www.technorati.com) қидирув тизимидан фойдаланишингиз мумкин.

Ўз овозингизни топинг

Қисқа қилиб айтганда: шахсиятингизни йўқоманг! Ҳар бир блоггер ўзининг такрорланмас овозига эга, ва блоггер ҳар доим ўз такрорланмас услубидан фойдаланишга ҳаракат қилиши даркор. Ҳар бир мақолангизга ўз шахсиятингизнинг бир парчасини қўшинг. Агар сиз ҳаттоки

Монголиянинг солиқ ислоҳоти ҳақида ёзсангиз ҳам, шахсиятингизнинг бир парчасини қўшишни унутманг. Блог ва мумтоз оммавий ахбарот воситалари ўртасидаги катта фарқ – блоглар муаллифининг маълум парча шахсиятини ташишидир, шунинг учун ҳам, инсонлар блогларни ўқишни хуш кўради.

Контентни тез-тез янгилаб турунг

Янги мақола ёки маълумот чоп этмайдиган блоглар тез орада барча мухлисларини йўқотади. Албатта, сиз блогингизни кунига 10 марта янгилаб туришингиз даркор деган хулосага бориш керак эмас, бироқ, блогда мунтазам равишда янги мақолалар чоп этишингиз даркор.

Блог интерактив бўлишини таъминланг

Блог фойдаланувчиларини шарҳ қолдиришга чорланг. Бу орқали, блогингиз фойдаланувчилари сиз эътибор бермаган масалаларга эътиборингизни қаратишини

таъминлаш мумкин, ва бу орқали, ўз мақолаларингизга сайқал беришингиз мумкин бўлади. Табиий-ки, бунинг натижасида, блогингиз мухлислари сони ошади.

Бошқалардан ажралинг

Блогингиз муваффақиятли бўлишини таъминлашнинг усулларидан бири, бошқа блоглар ёритмаётган масалаларни ёритишдир. Кўпинча, блогерлар, мумтоз ахбарот воситалари ёритадиган воқеаларни шарҳлайди, холос, ва блогерлар мустақил равишда оригинал материал тайёрлаши камдан-кам учрайдиган ҳолатдир. Агар, сиз оригинал материал тайёрлашга мойил бўлсангиз, айнан шундай материалларни тайёрлашга ҳаракат қилинг. Онник Крикорян Oneworld Multimedia (oneworld.blogsome.com) арман тилидаги блогда фаолият кўрсатиб, ўз блогда оригинал интервью, таржималар ва ажойиб суратларини эълон қилиш орқали, блог мухлислари сонини орттиришга муваффақ бўлди.

Муваффақиятли мақола ёзиш

Мақола муваффақиятли бўлишини таъминлашнинг ягона формуласи йўқ, ва ҳар бир инсон бир бора ўта яхши, иккинчи марта эса ўртача сифатли мақола ёзиши табиий ҳол. Ҳар бир инсон ўз мақолаларини турли услубда ёзади, шунинг учун, мақола қандай ёзилиши кераклиги борасида ягона маслаҳат бериш деярли мумкин эмас. Бироқ, мақола ёзиш борасида қуйидаги қоидага амал қилиш деярли ҳар сафар самарали бўлади.

Мақола муваффақиятли бўлиши учун, мақолага қўшимча қиймат қўшиш даркор. Баъзи блоглар, оммавий ахбарот воситаларида чоп этиладиган мақолаларни ўз блогларида қайта эълон қилади, холос. Табиий-ки, бунинг натижасида, Интернет фойдаланувчилари блогга кирмайдилар ва керакли мақолани уни илк чоп этган оммавий ахбарот воситаси вэб саҳифасидан

ўқиб оладилар. Шунинг учун, блогга фақатгина мақола кўчириб қўймасдан, мақолага қўшимча маълумотлар, цитаталар қўшиш орқали, мақола муваффақиятли бўлишини таъминлашингиз мумкин бўлади. Юқоридагини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги усулни қўллаб, муваффақиятли мақола ёзиш мумкин бўлади:

- ▶ Мавзу танланг: Ахбарот агентликлари вэб саҳифаларини кўздан кечиринг. Бундай саҳифаларда сизни ёки блог фойдаланувчиларини қизиқтирадиган мақолага дуч келишингиз мумкин. Ёки, балки икки мақола бир-бирига оҳангдошдир, балки, мақолаларда нотўғри ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган фактлар ёритилгандир. Буларинг барчасини ўз блогингизда қўллашингиз мумкин.

- ▶ Мавзуни эълон қилинг: Мақолангиз бошида, сиз шарҳ бераётган мақола қайси манбадан олинганлиги ва қисқа мазмунини ёритинг.
- ▶ Цитата: Сиз шарҳ бераётган мақоладан, блог фойдаланувчиларини қизиқтирадиган, кичик парча олишингиз ва бу парчани, ўз мақолангизда цитата сифатида ишлатишингиз мумкин.
- ▶ Таҳлил: Шарҳ қилаётган мақолангизга жавоб беринг. Агар мақолада ҳақиқатга

тўғри келмайдиган фактлар бўлса, бундай фактларни ёритинг. Балки, мақола сизни бошқа масалаларни муҳокама қилишга чоғлагандир. Ҳар ҳолда, сиз мақолага қўшимча қиймат қўшаоласиз.

neweurasia (www.neweurasia.net) блогларида мақола ёзиш услублари борасида қўшимча маълумот келтирилган.

Этика масалалари

Ҳаққонийлик

Хаққонийлик субъектив тушунчадир, бироқ, ҳар бир инсонни, ўзингиз қандай даражада ҳурматга лойиқ бўлсангиз, шундай даражада ҳурмат қилишингиз даркор. Бу дегани, сиз бошқаларнинг, сизнинг фикрларингиз ёки ишингиз ҳақида танқидий фикрларига қулоқ солишингиз даркор. Бошқаларнинг гапига қулоқ солиш орқали, ўз мақсад-маддаонингизни яна бир бор синаб кўрасиз.

Транспарентлик

Блогингиз фойдаланувчиларига шахсий сиёсий ёки бошқа таржихларингиз борасида маълумот беринг. Айтиш вақтда, масалан, ўтмишда сизни маблағ билан таъминлаган ташкилот ҳақида ёзаётган бўлсангиз, бу фактни ўз мақолангизда айтиб ўтишни унутманг. Агар сиёсий янгиликларни мунтазам равишда шарҳласангиз, ўз сиёсий қарашларингизни равшан қилинг, чунки мақола ўқувчилари, сизнинг субъектив қарашларингиз асосида керакли хулосалар чиқаради. Табиий-ки, бу, сиз ўз шахсий ҳаётингиз борасида ҳар қандай маълумотни равшан қилишингиз даркор дегани эмас, бироқ, мақола сифати сизнинг субъектив қарашларингиз ва таржихларингизга боғлиқ бўлганида, бундай маълумотни равшан қилишингиз муҳимдир.

Мустақиллик

Мустақил бўлинг. Ҳар доим, бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда эмас, балки ўзингизнинг ҳақиқий фикр-мулоҳазаларингизни ёзишга ҳаракат қилинг.

Ростгўйлик

Фақат ростлигига ишончиз комил бўлган маълумот тарқатинг. Агар, маълум факт тўла ростлигига ишончиз комил бўлмаса, буни мақолангизда албатта айтиб ўтинг. Агар сиз тахмин қилаётган бўлсангиз, буни ҳам равшан қилинг. Бундан ташқари, сиз маълум фактни билмасангиз, буни ҳам албатта айтиб ўтинг.

Фойдаланган манбалар линклари

иложи бўлса, фойдаланган материаллар линкларини ўз мақолангизда кўрсатиб ўтинг. Бу орқали, блог фойдаланувчилари, сизнинг мақолангиз ва фойдаланган материаллар асосида, мустақил равишда у ёки бошқа хулосага келиши имкониятини яратиб бериш мумкин бўлади. Бироқ, айтиш вақтда, ўзингизнинг далилларингизни кўрсатиб ўтишни унутманг. Сизнинг далилингиз интернетда мавжуд бўлмаса ҳам, у ёки бу далилий маълумотни қайси манбадан олганингизни айтиб ўтишни унутманг. Бу орқали, сиз у ёки бошқа масала борасида ўз позициянгизни кучайтиришингиз мумкин бўлади.

Манбаларни ҳурмат қилине

Агар сиз интервью тайёрлаётган бўлсангиз, ёки маълум шахсдан маълумот олган бўлсангиз, маълумот манбаи бўлмиш инсоннинг хошиш-истакларини ҳисобга олишингиз даркор. Маълумот манбаидан, мақолада унинг исмини кўрсатиш мумкинми ёки йўқ-ми, ва олинган маълумотни қай тарзда қўллаш мумкинлигини сўраб олишингиз даркор. Маълумот манбаининг хошиш-истакларини ҳисобга олмасдан ҳаракат қилиш натижаси ўлароқ, бундай инсон ўз ишидан ҳайдалиши ёки, ўта мураккаб вазиятда, қамоққа олиниши мумкинлигини унутманг.

Ҳатоларингизни тўғрилане

Агар сиз ёзган ёки сиз шарҳлаган мақолада қандайдир ҳато топилса, бундай ҳатони тез орада тўғриланг ва буни блогда эълон

қилинг. Одатда, бунинг учун, таркибида хато бор мақола ёнида, янги, тўғриланган мақола чоп этилиши кифоя, бу орқали, ҳам ҳатоли, ҳам тўғри мақола бир-бири ёнида бўлишини таъминлаш мумкин.

Бўҳтон қилмане

Бошқалар ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки камситувчи гаплар ёзманг. Агар сиз қандайдир блоггер ёки амалдор фикр ва қарашларига қўшилмасангиз, бундай блоггер ёки амалдор шахсиятига тегадиган гапларни ёзманг. Ҳар доим совуққонлик билан ҳаракат қилинг.

Ўзингизни ҳавф остига солманг!

Дунёнинг кўп мамлакатларида, давлат блог ва блоггерларни ҳуш кўрмайди. Баъзи мамлакатларда, инсонлар ўз фикрларини очиқчасига блогларда эълон қилганликлари сабабли, қамоқ жазосига ҳукм этилганлар. Шунинг учун, блогингизни аноним равишда, ҳавфсизлигингизни таъминлаган ҳолда бошқаринг! Кўплаб ҳавфсизлик масалалари осонликча ҳал этилиши мумкин, бироқ, бу борада кўшимча маълумотга эга бўлиш учун ТОНнинг Блог ҳавфсизлигини таъминлаш қўлланмасига мурожаат қилинг.

БЛОГГИНГ ҲАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ВА ИНТЕРНЕТДА
ДАҲЎСИСИЗЛИККА ЭРИШИШ
ОСОНДИР

UOL  Uzbekistan

Блог атамалари луғати

Бирлаштирувчи дастур (Aggregator)

Махсус дастур ёки интернет хизмати бўлиб, сиз танлаган блогларнинг синдикация қилинган фидларидан керакли маълумотни йиғади ва сизнинг диққатингизга ҳавола этади.

Атом (Atom)

Атом синдикация фидининг бир туридир.

Блоглар рўйхати (Blogroll)

Блогнинг асосий саҳифасига кирганингизда, саҳифанинг бир четида пайдо бўладиган бошқа блоглар рўйхати.

Фид (Feed)

Атом фидининг RSSси блогда жой олган сўнгги маълумотлар сақланадиган файлдир.

Пермалинк

“Permanent link”нинг (“доимий линк”) қисқартирилган шаклидир. Блогда жой олган мақолаларнинг доимий интернет манзилидир ва хатчўп сифатида қўлланилиши мумкин.

Подкаст (Podcast)

“iPod” ва “broadcast”нинг (“эшиттириш”) қисқартирилган шаклидир. Подкаст RSS ва

Атом синдикация фидлари орқали амалга оширилади ва фойдаланувчилар бундай фидлардан махсус подкаст бирлаштирувчи дастурлари ёрдамида қўлланишлари мумкин. Маълумот юборишнинг бутун жараёни ёки бундай жараённинг махсус қисмини англатиши мумкин.

RSS

RSS “Really Simple Syndication”нинг (Хабарларни Тарқатиш Тизими) аббревиатурасидир. Синдикация

фидларининг махсус тури.

Синдикация (Syndication)—Интернет фойдаланувчиларига, вэб саҳифалардаги маълумот янгиланганидан хабар беради, ва бу тизим блоглар учун айниқса тўғри келади, чунки блоглар тез-тез янгиланиб туради. Бундан ташқари, блогда чоп этилган маълумот бошқа веб саҳифалар тарафидан ишлатаолинишини таъминлайди.

Вики (Wiki)

Бу атама Гавая ороллари тилида мавжуд “wikiwiki” (яъни, “тез”) сўзининг қисқартирилган шаклидир. Вики, ҳар бир интернет фойдаланувчиси тарафидан янгиланиши мумкин бўлган блогни англатади.

БУ ҚЎЛЛАНМА ҚЎЙИДАГИ ИНСОН ТАРАФИДАН ТАЙЁРЛАНГАН
Натан Хамм (www.registan.net - nathan@registan.net)
ВА ҚЎЙИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ТАРАФИДАН ТАҲРИР ВА ЧОП ЭТИЛГАН
Transitions Online (www.tol.cz - info@tol.cz)
neweurasia (www.neweurasia.net - info@neweurasia.net)